


“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Кўқон давлат педагогика институти

Ўқув ишлари бўйича проректор

Н. Жўраев

2019 йил

Кўқон давлат педагогика институти битирувчиларига Давлат аттестациясини сифатли ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида услубий кўрсатма

Кўқон давлат педагогика институти томонидан тасдиқланган 2018-2019 ўқув йили учун ўқув жараёни жадвалига асосан бакалаврият таълим йўналишларининг ҳамда магистратура мутахассисликларининг таълим дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан муваффақиятли ўтган битирувчиларга ОЎМТВ нинг 22.05.2009 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги №160-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 ноябрдаги 26-2018 сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 26-2018 сон буйруғига (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1963-2*) мувофиқ якуний давлат аттестациясини сифатли ташкил этилиши ва ўтказилиши лозим.

Якуний давлат аттестациясини сифатли тарзда ўтказиш мақсадида факультет ва кафедраларни таклиф ва тавсияларига асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 мартдаги 87-02-695 сонли хатига мувофиқ якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркибига Республикамизнинг бошқа олий таълим муассасаларидан раисликка фан доктори, профессорларни номзодлари тавсия этилди. Шунингдек, комиссия аъзоси сифатида касб-хунар коллежлардан юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этиш мақсадга мувофиқ. Комиссия таркибига тегишли кафедраларда фаолият юритаётган малакали профессор-ўқитувчилари томонидан аъзолар ва котиб(а)лар тайинланади.

Давлат аттестацияси жараёнида комиссия аъзолари, котиб(а)лари томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилмаслик, таъмагирлик ҳолатлари кузатилмаслиги зарур. Битирувчиларнинг баллари адолатли тарзда баҳоланиши ва шу куннинг ўзида эълон қилиниши керак. Ҳар кунлик натижалар юзасидан баённомалар, қайдномалар расмийлаштириб борилиши зарур.

2018-2019 ўқув йили якуний давлат аттестациясига боғлиқ меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш ва тасдиқланиши, беҳато тарзда юритилиши, ушбу ҳужжатларга масъул бўлган комиссия котиб(а)лари зиммасига юклатилади. Барча ҳужжатларда рейтинг баллар бир-бирига мувофиқ келиши, ўз вақтида тасдиқланиши лозим. Шунингдек, барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари битирувчилари якуний давлат аттестациясига қатнашиши тўғрисидаги институт ректорининг буйруқларидан нусха бўлиши шарт.

Ўқув ишлари бўйича проректор, Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи:

- 2019 йил 1 июнгача бакалавриат таълим йўналишлари бўйича битирувчи курс талабаларини Якуний Давлат аттестациясига киритиш ҳақида буйруқ лойиҳасини тасдиққа киритишни назоратга олади;
- бакалавриат таълим йўналишлари бўйича битирувчи курс талабаларининг Якуний Давлат аттестациялари ҳамда битирув малакавий иш ҳимояларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 май 160–сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом”га риоя қилган ҳолда тасдиқланган жадвалда белгиланган аудитория, сана, вақтда ўтказилишини назорат қилади;
- талабаларнинг ЯДА ва БМИ ҳимоясида эришган рейтинг кўрсаткичлари мониторингини юритади.

Факультет деканлари:

- 2017 йил 5 июнгача бакалавриат таълим йўналишлари бўйича битирувчи курс талабаларини Якуний Давлат аттестациясига киритиш ҳақида буйруқ лойиҳасини тасдиққа киритади;
- бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчи курс талабаларининг Якуний Давлат аттестациялари ҳамда битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимояларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 май 160 – сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 ноябрдаги 26-2018 сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 26-2018 сон буйруғига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилади;
- бакалавриат таълим йўналишлари бўйича битирувчи талабаларнинг 1-8 семестр бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ва диплом иловасининг электрон вариантини 2018 йил 15 майгача яратиш, диплом иловаларидаги балларнинг тўғрилигига, ҳаққонийлигига шахсан факультет декани масъул эканлиги бўйича шахсий масъулиятни оширади;
- ҳар бир Давлат аттестацияси ва битирув малакавий ишлар ҳимоялари ўтказиладиган аудиторияларни компьютерлар, намойиш қилиш учун проекторлар билан таъминлаш ва хоналарнинг санитария талабларига жавоб берадиган ҳолатда сақлайди;
- талабаларни ЯДА ҳамда БМИ ва МД ҳимоясигача ва ҳимоядан кейин ножўя хатти-ҳаракатлар жумладан, кўчирмакашлик, таъмагирлик, институт ички тартиб қоидаларида белгиланган кийиниш одобига риоя қилмаслик, институт ва институт худудидан ташқари жойларда турли банкетлар ўтказишга йўл қўймаслик ҳақида далолатнома асосида огоҳлантириб ҳар бир талабанинг кафолат хатини олади;
- ЯДА ўтказиладиган аудиторияларга уяли телефонни олиб кирмаслик ва ҳар бир талабани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 май 139-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим

муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом билан ёзма шаклда таништиради;

- ЯДА ҳамда БМИ ва МД химоялари ўтказилаётган бинода навбатчилик ташкил қилиш, ЯДА ўтказилаётган аудитория, ўқув бинода “Давлат аттестацияси ўтмоқда-тинчлик сақлансин” каби огоҳлантириш белгилари ўрнатиш, ЯДА ўтказилаётган ўқув биносига ушбу буйруқда қайд этилган ва раҳбариятнинг кўрсатмасига биноан назоратчилик қилаётган масъул ходимлардан бошқа бегоналарни киритилишига йўл қўймайди;

Молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор, бош ҳисобчи:

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ДАК раислари ва аъзоларига ўрнатилган тартибда ҳақ тўлайди;

- бакалавриат таълим йўналишлари бўйича битирувчи курс талабаларининг 4 йиллик ўзлаштириш кўрсаткичлари қайд этилган диплом иловасини тайёрлаш учун ахборот технологиялар маркази ҳисобиги HP Lazer Jet M5025 MFP русумли нусха кўпайтириш аппаратини харид қилиш, А3 форматдаги қоғоз ва тонер билан 2018 йил 15 майга қадар таъминлайди;

Давлат аттестацияси олди вазифалар (ЎИБ декан муовини ва кафедра мудирларига):

- фамилия ўзгартириш тўғрисидаги буйруқларнинг расмийлаштирилиши;
- битирувчиларнинг рейтинг дафтарчаси, шахсий варақалари, ўқув карталари тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилиши;
- битирувчи гуруҳларнинг рейтинг қайдномалари (12, 12а, 12б-шакллар), гуруҳ журналлари, шу жумладан, малакавий амалиёт, курс иши қайдномалари беркитилган ҳолда бўлиши;
- якуний давлат аттестациясига киришга рухсат этиш тўғрисидаги буйруқнинг тайёрланиши;
- якуний давлат аттестацияси жадвали тасдиқланиб, эълонлар доскасига қўйилиши;
- ўтган ўқув йилларида давлат аттестациясидан қатнашмаган ёки етарли балл тўплай олмаган битирувчиларни огоҳлантирилиши;
- давлат аттестациялари ўтказиладиган аудиториялар жихозланган ва тайёр ҳолда белгилаб қўйилиши лозим.

Давлат аттестация жараёнида (ЎИБ декан муовини ва кафедра мудирларига):

- давлат аттестацияси савол вариантлари конвертга жойлаштирилган ҳолда;
- кунлик қайдномалар (битирувчиларнинг Ф.И.Ш. тўлиқ киритилган ҳолда) 1 нусхадан тайёр ҳолатга келтирилиши;
- ёзма иш шаклида ўтказиладиган давлат аттестацияси учун 12 варақли дафтарлар ҳар бир битирувчига етарли бўлишини таъминлаш;
- давлат аттестацияси баённомаларини расмийлаштириш учун 86 варақли катта дафтарни шнурлаш ва муҳрлаш юқоридаги барча ҳужжатлар ўқув-услугий бошқарма томонидан муҳрланади.

Давлат аттестацияси якунида (ДА техник котиб(а)лариغا):

- ДА баённомалари тўлиқ расмийлаштирилган ва тасдиқланган ҳолда;
- ДА рейтинг қайдномалари тўлиқ расмийлаштирилган ва тасдиқланган ҳолда;
- ДА раисининг ҳисоботлари ўқув-услубий бошқармага тақдим этилади.

Давлат аттестацияси комиссияси ўз ишини тугатгандан сўнг (ЎИБ декан муовини):

- битирувчиларга диплом бериш тўғрисидаги буйруқларнинг расмийлаштирилиши;
- диплом иловаларини электрон вариантини тайёрлаш (2018 йил 30 июнь санасидан кечиктирмай).

Изоҳ: ЯДАси апелляция комиссияси раиси ва аъзолари, ёзма ишларни шифрлаш бўйича ишчи гуруҳ таркиби институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.